



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2026 йил 15 апрель, № 74 (9245)

Чоршанба Сайтимига Утиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

## УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ВА УРБАНИЗАЦИЯ:

### БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 14 апрель куни уй-жой қурилиши ва урбанизация соҳасида амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Тадбирда жойлардаги студиялардан видеоалоқа орқали 500 дан зиёд тадбиркор, қурувчи, лойиҳачи, архитектор ва шаҳар-созлар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари барча тармоқ ва ҳудудларда юқори иқтисодий ўсиш бўйича белги-ланган катта марраларга эришишда қурилиш соҳаси алоҳида ўрин тутганини таъкидлади. Таҳлилларга кўра, қурилиш киритилган ҳар 1 доллар иқтисодиётга 2-3 долларлик самара келтиради, соҳада яратилган битта иш ўрни эса бошқа тармоқларда яна 5 тагача иш ўрни пайдо бўлишига хизмат қилади.

Сўнгги тўққиз йилда мамлакатимизда қарийб 10 мингта янги қурилиш корхонаси иш бошлади. Айланмаси 1 триллион сўмдан ошган 20 та, 100 миллиард сўмдан юқори кўрсаткичга чиққан 365 та йирик компания шаклланди. Лойиҳа ташкилотлари сони 2 мингдан ошиб, уларнинг 650 дан зиёди халқаро сертификат олди.

Шу даврда қурилиш соҳасида руҳат бериш босқичлари 3 қарра, мuddатлар 4 қарра қисқартирилди. 420 та шаҳарсозлик норма ҳамда қоидалари бирлаштирилиб, эскилари бекор қилинди

ва 140 та янги норма ва қоида тасдиқланди.

Натижада ўтган йиллар мобайнида 210 миллион квадрат метр бино-иншоот, 647 минг хонадонли 15 мингдан ортиқ кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Қурилиш ишларининг ҳажми 2016 йилдаги 30 триллион сўмдан ўтган йили 314 триллион сўмга етди. Бугун қурилиш, қурилиш материаллари ва уларга ёндаш соҳаларда 3,5 миллион аҳоли банд.

Таъкидланганидек, тадбиркорлик учун ҳар йили 6,5 минг гектар ер, 600 минг квадрат метр бино-иншоотлар савдога чиқарилмоқда, кичик ва ўрта бизнес учун 140 триллион сўм ресурс ажратилмоқда. Лекин ер ва кредит каби асосий масалалар ҳал этилган бўлса-да, тадбиркорлар қурилишни бошлаш босқичида ҳалигача турли тўсиқларга дуч келмоқда, бу жараёнлар оилаб-йиллаб чўзилмоқда.

Йиғилишда урбанизация масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозирги кунда юртимиз аҳолиси 38 миллиондан ошиб, урбанизация даражаси 51 фоизга етган, қарийб 20 миллион нафар аҳоли шаҳарларда яшамокда. Давлатимиз раҳбари урбанизация даражасининг ҳар 1 фоиз-

га ўсиши иқтисодиётга камида 1 фоиз қўшимча ўсиш олиб келишини, инвестиция оқими, бизнес ва стартаплар фаоллиги, меҳнат унумдорлиги шунга мутаносиб равишда ортишини таъкидлади. Шу боис республикада урбанизацияни барқарор ривожлантириш бўйича ягона ёндашув бўлиши шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Қайд этилганидек, бош режаларни ишлаб чиқиш учун бюджетдан йилга 200 — 250 миллиард сўм ажратилмоқда. Мазкур маблағлар, аввало, бош режага бўлиб, 600 минг квадрат метр йўналиштириш лозим. Айни пайтда кичик шаҳар ва шаҳарчаларда ҳам йирик лойиҳаларни амалга ошириш истагида бўлган тадбиркорлар кўп, ammo шаҳарсозлик ҳужжатлари йўқлиги туфайли уларнинг ишлари тўхтаб қолмоқда.

Виложат ҳокимлари ва Урбанизация қўмитасига жорий йилнинг ўзида бюджет маблағлари ҳисобидан 6 та шаҳар ва 44 та шаҳарча бўйича бош режаларни, 104 та қишлоқ бўйича мастер-режаларни яқунлаш, бундан ташқари, ташаббускор тадбиркорлар билан бирга яна 50 та аҳоли пункти учун шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишни бошлаш топширилди.

## НЕФТЬ-ГАЗ ТАРМОҒИДА МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК ЯНАДА ОШИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга нефть-газ тармоғида барқарор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини таъминлаш ва молиявий-иқтисодий самарадорлиқни ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар юзасидан ҳисобот берилди.

“Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти тизимида жорий йилнинг биринчи чораги яқунлари, иккинчи чорадаги асосий вазифалар, ишлаб чиқариш ҳамда молиявий кўрсаткичлар динамикаси кўриб чиқилди.

Тармоқда қазиб чиқариш ҳажмларини барқарорлаштириш, мавжуд йўқотишларни қоплаш, қудуқларни ишга тушириш, таъмирлаш ва технологик тадбирлар изчиллик билан олиб борилмоқда. Шу билан бирга, харажатларни мақбуллаштириш, дебитор қарздорликни қисқартириш, ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда айрим йўналишларда бозор механизмларини такомиллаштириш бўйича ишланмоқда.

Қудуқлар самарадорлигини ошириш ва қазиб чиқаришга замонавий технологияларни жорий қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада халқаро компаниялар билан ҳамкорликда бир қатор технологик ечимлар ўрганилаётгани ва уларни босқич-ма-босқич амалиётга киритиш кўзда тутилаётгани таъкидланди.

Геология-қидирув ишларини кенгайтириш, янги истиқболли майдонларни аниқлаш ва уларни ўзлаштириш бўйича олиб бори-

лаётган ишлар ҳақида ҳам ахборот берилди.

Жумладан, “2D” ва “3D” сейсмика-қидирув тадқиқотлари кўламини ошириш, янги майдонларда бургилаш ишларини бошлаш, бургилаш дастурларини халқаро талаблар асосида ташкил этиш, шунингдек, супервайзинг, геологик-гидродинамик моделлаштириш ва лойиҳалаштириш жараёнларини янада такомиллаштириш чоралари кўриломоқда. Қайд этилганидек, жорий йилда бир қатор янги майдонларда иш бошланган бўлиб, навбатдаги босқичларда бу ишлар янада кенгайтирилади.

Ўрта мuddатли дастурлар доирасида кийин ўзлаштириладиган захираларда ишлаш, чуқур ва мураккаб қудуқларни бургилашда илгор хорижий тажрибани жалб этиш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари нефть-газ тармоғида ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаш, мавжуд қувватлардан унумли фойдаланиш, геология-қидирув, бургилаш ва таъмирлаш ишларини тизимли асосда ташкил этиш, молиявий интизомни мустаҳкамлаш юзасидан тегишли топшириқлар берди.

Ў.А.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев номига Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевдан мактуб келди:

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Қадрли Шавкат Мирмонович! Нафақат Марказий Осиё, балки бутун жаҳон цивилизацияси дурдонаси бўлган қадимий Бухоро шаҳрига амалий ташрифим чоғида кўрсатган алоҳида меҳмондўстлик ва самимият учун Сизга чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Ўзбекистон бу бебаҳо бойлиқни асраб-авайлаб, бойитиб, буюк ўтмишни замонавий эҳтиёжлар билан уйғунлаштириб келаётгани мени хайратга солди. Бухоронинг бугунги гўзал қиёфаси Сизнинг Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган оқилона ва бунёдкорона сиёсатингиз юксак самарадорлигининг яққол ифодасидир.

Пухта уйланган тадбирларга бой ташрифнинг ўзи, шубҳасиз, фойдали бўлди. Назаримда, Бухородаги бир кунлик музокаралар узоқ мuddатли сиёсий самараси жиҳатидан расмий ташрифдан асло қолишмайди. Учрашувимиз Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги кўп қиррали алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун янги уфқларни очди, давлатларро стратегик ҳамкорликни янги мазмун билан бойитишга хизмат қилди.

Остонага қайтгач, эришилган ва тасдиқланган келишувларни амалга ошириш, шунингдек, мамлакатингизнинг турли соҳалардаги фойдали тажрибасини ҳисобга олиш бўйича аниқ топшириқлар бердим. “Тоза ҳаво” қўшма ташаббусига алоҳида аҳамият бераман.

Ишончим комилки, биз қўйган вазифаларнинг сифатли бажарилиши Қозоғистон — Ўзбекистон стратегик шериклиги ва иттифоқчилигини янги чуққиларга олиб чиқишга хизмат қилади.

Қозоғистон учун катта маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган архив материалларини тақдим этганингиз учун алоҳида миннатдорлик билдираман. Бу ҳаракат Сизнинг бағрикенглигингиз ва қозоқ халқига бўлган илқ муносабатингиз, қардош мамлакатларимиз тарихини муносиб эътироф этишингиздан далolat беради.

Хурматли Шавкат Мирмонович! Сизга ва оилангизга чин қалбимдан сиаҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Қозоғистоннинг абадий дўсти, иттифоқчиси ва стратегик шериги бўлган Янги Ўзбекистонни барпо этишда янги муваффақиятлар тилайман.

Хурмат билан,

Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ,  
Қозоғистон Республикаси Президенти

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

### ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ, АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК ВА РАҚАМЛИ ЁНДАШУВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда муҳим соҳа ва тармоқларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга оид, жумладан, сугурта бозори тўғрисида аҳолига ишончли ахборот беришни таъминлаш, судьялар ҳамжамияти органлари фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш, уюшган жиноятчиликка қарши самарали курашиш тизимини янада такомиллаштириш, Иқтисодий процессуал ҳамда Солиқ кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, пенсия тайинлаш тизимига замонавий рақамли технологияларни татбиқ этишга қаратилган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Ушбу лойиҳалар сиёсий партиялар фракцияларида, масъул қўмиталарда, ишчи гуруҳ йиғилишларида экспертлар, вазирлик ҳамда идоралар мутахассислари иштирокida атрофлича муҳокама қилингани қайд этилди.

## ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ВА САЊЪАТ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар! Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тим-солингизда бутун санъатсевар халқимизни 15 апрель — Маданият ва санъат соҳаси ходимлари куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ушбу қутлуг айёмда ўзининг бетакорор истеъдоди, билим ва маҳорати билан эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қилиб келаётган санъат усталари ва ёш ижрочиларга, барча соҳа ходимларига рағбатлантириш мақсади учун самимий миннатдорлик билдираман.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳалар қатори маданият ва санъат тизимини замонавий талаблар асосида ривожлантириш бўйича ҳам кенг қўламли иш-хотлар амалга оширилмоқда. Натижада соҳанинг моддий-техник базаси, кадрлар соҳоярлиги мустаҳкамланиб, ходимларнинг ижодий меҳнати муносиб рағбатлантирилмоқда. Театр, кино, музей ва маданий тадбирлар, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати изчил яхшиланимоқда.

Замонавий бошқарув механизмлари жорий этилиб, давлат-хусусий шериклик асосида янги ижодий лойиҳалар, рақамли технологиялар ва илгор тажрибалар амалиётга татбиқ этилаётгани, маданий контент яратиш қўламини кенгайтириб бораётгани маданият муассасалари фаолиятида самарадорлик ва жозибadorликни янада оширишга хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда юртимизда 2 та те-

атр, 19 та маданият маркази, 16 та музей, 20 та мусика ва санъат мактаби ҳамда ушбу йўналишда 5 та олийгоҳ ташкил этилди, кўплаб муассасалар замонавий жиҳозлар билан таъминланди, 125 та тарихий-маданий мерос объектлари уларни асраш ва тиклаш бўйича зарур ишлар амалга оширилди.

Ўтган йили тасвирий ва амалий санъат соҳасини янада ривожлантириш бўйича алоҳида қарор қабул қилдик. Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Миллий музейи биноси қурилиши бошланди. Жорий йилда эса Марказий кўرғазмалар зали, Бадиий кўрғазмалар дирекцияси фондининг биноси, Павел Беньков номидаги рассомлик мактабида қурилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилади, соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш бўйича зарур чоралар қурилади.

Яна бир муҳим жараён — ўзбек маданий дипломатияси изчил ривожланимоқда. Ну-фузали халқаро форумлар, танловлар, фестиваллар ҳамда маданий кунлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Хусусан, ўтган йили Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКО Бош конференциясининг сессияси, Бухорода Биринчи халқаро замонавий санъат биеналеси, Нукусда Орол маданияти саммити, Хоразмда Туркий дунё маданияти форуми, Тошкентда эса Марказий Осиё ва Озарбайжон маданият вазирларининг биринчи учрашуви юқори савияда ташкил этилди.

Энг муҳими, Ватанимизнинг санъат со-

ҳасида халқаро жараёнлардаги иштироки кенгайиб, нуфузи ортиб бормоқда.

Ўзбекистонлик санъаткорларнинг Европадаги нуфузли маданият масканларидаги чиқишлари хорижий санъат мухлисларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, Австриянинг Зальцбург шаҳридаги “Grosses Festspielhaus” сахнасида Ўзбекистон Миллий балети тўра томонидан “Лазги. Муҳаббат ва қалб рақси” балети намойиш этилганини таъкидлаш лозим.

Шу йил 9 апрелда яна бир йирик санъат маскани — “Musikverein” сахнасида Соҳибқирон Амир Темуруттоқовнинг 690 йиллик таваллуд санасига бағишланган мусикали опера асарининг тақдими ўтказилди. Миллий кино санъатимизни ривожлантириш, хусусан, “Тирик тарих” туркумида гоёвий ва бадиий юксак асарлар яратиш борасидаги ишлар дастлабки натижаларни бермоқда. Ўтган йили давлат бююртмаси асосида 123 та кинофильм тайёрланиб, томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Ўтган йилнинг ўзида соҳада узоқ йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган 35 нафар ходим уй-жой билан таъминланди. Маданият муассасалари ходимлари иш ҳақи ўртача 35 фоизга оширилди. Драматурглар учун Маҳмудхўжа Бехбудий, ёш режиссёрлар учун Баҳодир Йўлдошев, ёш хонандалар учун Ботир Зокиров номидаги мукофотлар ҳамда маҳаллий ва хорижий ижодкорлар учун “Келажак мероси” халқаро мукофоти тақдим этиб келинмоқда.

Муҳтарам ватандошлар!

Бугунги кунда маданият ва санъат соҳасини маънавий тарбия воситаси ва креатив иқтисодиётнинг муҳим тармоғи сифатида ривожлантириш, ижодий индустрияни қўллаб-қувватлаш, маданий хизматлар бозорини тараққий эттириш, санъат махсулотлари экспортини кенгайтириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Янги ташкил этилаётган Креатив индустрия парки айни шу мақсадларга хизмат қилади. Биз бу борада катта марра олиб, 2030 йилгача креатив иқтисодиётнинг ялпи ички махсулотдаги улушини 5 фоизга етказамиз.

Албатта, бу улкан режа ва ташаббусларни амалга оширишда сиз, жонқуяр ва фидойи инсонларнинг ўрни беқеъсдир. Сизларнинг билимингиз, тажрибангиз ва ижодий салоҳиятингиз миллий маданиятимизни янги босқичга олиб чиқишга ишончим комил.

Биз бундан буён ҳам соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижодий ва техник ходимлар меҳнатини муносиб қадрлашга устувор аҳамият қаратамиз.

Сизларни бугунги касб байрамингиз билан яна бир бор чин дилдан табриклаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, янги ижодий ютуқлар, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## Қўшма йиғилиш

### МУҲОКАМА МАРКАЗИДА — КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАСИ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгашининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва уларнинг доимий комиссиялари вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ҳудудий давлат идоралари ва ташкилотлари раҳбарлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Йиғилишда айтилганидек, 2025 йил 5 март куни давлатимиз раҳбари иштирокида ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишида мамлакатимизда криминоген вазиятни яхшилаш ва коррупцияга қарши курашиш борасида устувор вазифалар белгилаб берилган эди.

## Бугунги Сўх: ЯШИЛЛИККА БУРКАНГАН МАСКАН

Сўх — баланд тоғлар, жўшқин сойлар, ям-яшил арчазорларга бой, гоёат хушманзара маскан. Кейинги йилларда туман тобора чирой очиб, янада кўркам қиёфа касб этаётир. Бугун бу заминга келсангиз, нафақат бинолар қад ростлаётганини, балки ҳаёт суръати, одамларнинг кайфияти, келажакка бўлган ишонч ҳам янгиликани бораётганини ҳис этасиз.

Президентимиз раислигида туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга бағишлаб ўтказилган йиғилишда ҳам Сўхда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш, оилалар фаровонлигини таъминлаш, ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш борасида ечимини кутаётган масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Илгари Сўх етиб бориш қийин, транспорт ва логистика имкониятлари чекланган, иқтисодий алоқалари заиф ҳудудлардан бири эди. Сўнгги йил-

ларда минтақавий ҳамкорлик ва қатъий сиёсий ирода туфайли бу ҳудудни комплекс ривожлантириш учун янги имкониятлар яратилди.



УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ВА УРБАНИЗАЦИЯ:

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

Йиғилишда бош режа йўқлиги важи билан 2025 йилда ерни хусусийлаштириш бўйича 112 минг аризанинг 14 фоизи рад этилган...

ташкilotлари ҳисобидан молиялаштирилиши аниқ белгилаб берилиши шартлиги кўрсатилди.

Ер ва объектларни иқтисодий фаолиятга жалб этиш бўйича ҳам жиддий камчиликлар қайд этилди. Сўнгги тўрт йилда аукционда сотилган 11,5 минг гектар эрнинг 3 минг гектарида қурилиш бошланмаган.

Шу боис энди хусусийлаштириш дастурига объектларни киритиш, уларни сотиш ва инвестиция самарадорлигини таъминлашда ҳокимлар Давлат активлари агентлиги билан тенг масъул бўлиши белгиланди.

Йиғилишда қурилиш соҳасидаги рўқсат бериш тартиби-таомилларини

соддалаштириш масаласи ҳам муҳокама марказида бўлди. Утган йили қурилиш билан боғлиқ 2 миллион 600 мингдан зиёд аризаларнинг учдан бири рад этилган...

Ҳозирги тизимда аҳоли ва тадбиркорлар аввал лойиҳаларга рўқсат олиш, кейин архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш учун алоҳида-алоҳида ариза бериб...

Коммунал тармоқларга улашиш бўйича техник шарт олишда ҳам аҳоли ҳар бир идорага алоҳида мурожаат қилишига тўғри келмоқда.

Сансалорлиқнинг яна бир сабаби сифатида жойларда шаҳарсозлик кенгашига аъзо 26 та идора ўртасида

ўзаро мулоқот ва ҳамкорлик йўқлиги кўрсатилди. Шу муносабат билан шаҳарсозлик кенгашига Тошкент шаҳри ва вилоят ҳокимларининг ўзи бошчилик қилиши...

Мутасаддиларга уч ой ичида қурилишга рўқсат олишдан тортиб, объектнинг фойдаланишга топширишгача бўлган барча жараёнларни чуқур таҳлил қилиб...

Қурилиш сифати ва назорат масалалари ҳам танқидий муҳокама қилинди. Утган йили қурилиш объектлариди ўшабу икки хизматни бир бошқимда қўриб чиқиш тажрибаси жорий этилган...

Шу боис жорий йил 1 июндан бошлаб давлат бююртмачилари фаолияти тўлиқ КРП асосида баҳоланиши, ҳодимлар ойлиги 3 қарра оширилиши белгиланди.

қилинади. Энди техник ёки муаллифлик назоратчиси масъул бўлган объектда қўпол қоидабузарлик аниқланса...

Йиғилишда халқаро молия ташкилотлари иштирокида амалга оширилган инфратузилма лойиҳалари бўйича ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Мутасаддилар ва бююртмачи вазирилик-идоралар халқаро молия ташкилотлари билан музокараларда маҳаллий қурувчилар имкониятларини етарлича ҳимоя қилмаётгани...

Аҳолининг уй-жойга бўлган талабини таъминлаш масаласи доимий диққат марказида бўлиши шартлиги таъкидланди.

хонадонни қуриб битказиши шартлиги қайд этилди. Қурилиш давом этаятган массивларни кенгайтириш фақат ўша ҳудуддаги квартираларнинг камида 85 фоизи эгаларига топширилганидан кейин рўқсат этилиши белгиланди.

Умуман, жорий йил ҳудудларда 140 минг хонадонли қўп қаватли уйларни фойдаланишга топшириш зарурлиги таъкидланди.

Соҳа учун кадрлар тайёрлаш ва креатив муҳитни ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Архитектор, лойиҳачи ва урбанистика соҳаси учун биринчи креатив парки Тошкент шаҳрида ташкил қилиш...

Йиғилиш якунида Президентимиз соҳа ва ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботларини тинглади.

Ў.А.

Бугун — Маданият ва санъат ходимлари куни

МИЛЛАТНИНГ МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИ

Ҳар бир миллатнинг ўз маданияти ва санъати унинг халқ сифатидаги қадр-қиммати билан белгилаб берувчи асосий омиллардан биридир.



Бу каби мисолларни қўллаб келтириш мумкин.

ринчи бўлиб бу ерда сиз куйлаясиз. Чунки ҳаммага ҳам рўқсат беришмайди” дегани ҳам миллий санъатимиз кудратини кўрсатади.

замонавий талабар асосида қайта шакллантирилмоқда.

Бундан ташқари, ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат грантлари ва ижодий лойиҳалар тизими жорий этилди.

Маданият ва санъат соҳасидаги ислохотлар — миллий анъаналарни асраш, халқ оғзаки ижодиётини тарғиб қилиш, қадимий урф-одатларимизни тиклаш ва ривожлантириш борасидаги қўламли ишлар миллий ўзликини аниқлаш ва келажак авлодга етказиш билан бирга жамиятда соғлом маънавий муҳитни шакллантиришга ҳам хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга.

Муножаат ЙЎЛЧИЕВА, Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси.

Сенаторлар — ҳудудларда

ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ЙЎНАЛТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Сенати аъзоларининг ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш жараёнида давом этмоқда.

Ўрганишлар давомида асосий эътибор “маҳалла еттичилиги” вакиллари билан бевосита мулоқот қилишга қаратилди.

Мулоқот давомида Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлиб ўтган 14-ялпи мажлисида қабул қилинган муҳим қонунларнинг мазмуни-моҳияти ҳам маҳаллий Кенгаш депутатлари ва кенг жамоатчиликка тушунтирилди.

Шунингдек, 13-14 апрель кунлари Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтлари қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси аъзолари томонидан Наманган вилоятининг қатор туманларида ижтимоий муаммоларни ўрганиш ишлари амалга оширилди.

У “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон ижроси доирасида ташкил этилди.

Комиссия аъзоси, сенатор Одилжон Маматқаримов ҳамда Жамоат фонди ходимларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан Янгиқўрғон, Чортоқ, Уйчи, Учқўрғон ва Норин туманларида ўрганишлар олиб борилиб, ҳудудлардаги мавжуд муаммолар, аҳолини қийнаётган долзарб масалалар ҳамда ижтимоий соҳадаги камчиликлар атрофида таҳлил қилинди.

Ўрганишлар давомида аниқланган муаммоларни тизимли ҳал этиш, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда самарали лойиҳаларни давлат грантлари ва давлат ижтимоий бююртмалари орқали молиялаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Олий Мажлис ҳузуридаги Парламент комиссияси аъзолари Жиззах вилоятининг қатор туманларидаги ижтимоий масалаларни “Фуқаролик жамияти институтлари”ни давлат томонидан қўллаб-

«Халқ сўзи».

МУЛОҚОТ МАВЗУСИ — ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ



вице-президенти Мона Фанем Ал Марри билан онлайн шаклда мулоқот ўтказди.

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Орзигул Қозихонова Бирлашган Араб Амирликлари Гендер мувозанати кенгаши

Ҳамкорлик

Учрашувда БАА Гендер масалалари бўйича илгор тажрибалар маркази билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаолигини ошириш, гендер тенглигини таъминлаш ҳамда бу борадаги илгор халқаро тажрибаларни ўрганиш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, 2022 йил сентябрь ойида Жаҳон банки билан ҳамкорликда БАА Гендер мувозанати кенгаши томонидан Гендер масалалари бўйича илгор тажрибалар маркази ташкил этилган.

«Халқ сўзи».

СЕНАТ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИ АЛОҚАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Сенати томонидан маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари аъзоларининг қўллаб-қувватлаш ҳамда ўзаро ҳамкорликни мустақамлаш мақсадида семинарлар ташкил этилмоқда.



лий Кенгашларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига оид долзарб масалаларда маҳаллий вакиллик органларининг иштирокини ошириш бўйича муҳокама қилинмоқда.

Бундан ташқари, амалиётчилик қонунчилик жараёнига маҳаллий Кенгашлар депутатларини жалб этиш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиш ҳамда қабул қилинаётган қонунларда ҳудудий хусусият ва имкониятларни акс эттириш бўйича қўникмаларга эга бўлади.

«Халқ сўзи».

Семинар

13 — 15 апрель кунлари уюштирилган бундай тадбирларда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши доимий комиссиялари раҳбарлари Сенат қўмиталарида амалиёт ўташаётир. Шунингдек, халқ депутатлари Сирдарё вилояти маҳаллий Кенгашлари котибиятлари ходимлари Ҳудудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш марказида маҳалла ошириш курсларида иштирок этапти.

Мазкур амалиёт давомида тадбир қатнашчилари Сенат қўмиталари ҳамда марказ фаолияти билан танишади. Маҳал-

# МУҲОКАМА МАРКАЗИДА – КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАСИ

Шунингдек, 2025 йил 26 декабрь куни Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида ҳам ушбу масалага алоҳида урғу бериб, коррупция давлат тараққиётига тўсиқ бўладиган, адолат ва қонун устуворлигини издан чиқарадиган жиддий таҳдид эканлиги, 2026 йилда бу иллатга қарши курашиш бўйича “фавқулодда ҳолат” эълон қилинишини таъкидлади.

Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, қўшма мажлисда Тошкент шаҳрида коррупциянинг олдини олиш, бозорларда олиб борилаётган рақамлаштириш ишлари, қурилиш соҳасида коррупцияга қарши курашиш, “яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш ҳамда бошқа долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Хусусан, Тошкент шаҳар “Муниципал активларни бошқариш маркази” давлат унитар корхонаси, Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси, Тошкент шаҳар суди, Адлия бошқармаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими раҳбарларининг ахборотлари аштилди.

Амалга оширилган ижобий ишлар билан биргаликда йўл қўйилган камчиликлар кўрсатиб ўтилиб, давлат органлари ва ташкилотларига келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан тегишли вазифа ҳамда тавсиялар берилди. Муҳокама якунида тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

# ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Президентимиз куни кеча тадбиркорлик субъектларига нисбатан молиявий жаримларни қўллаш тартибини янада либераллаштириш, шунингдек, суд назорати самардорлигини оширишга қaratилган тақдирлар тақдироти билан танишиб, амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб берди.

## Муносабат

Билдирилган тақдирлар, аввало, тадбиркорлар учун ортиқча бюрократик тўсиқларни қисқартириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоялашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Айниқса, жаримларнинг катта қисми суддан ташқари тартибда қўллашга қaratилган ҳисобга олинса, суд назоратини кучайтириш орқали адолат ва шафқатли таъминлаш долзарб вазифа экани яққол намоён бўлади.

Тақдир қилинаётган янги тартиб, яъни бир ой ичиде жаримнинг 50 фоизини тўлаш орқали қолган қисмидан озод бўлиш амалиёти тадбиркорлар учун молиявий юкни енгиллаштиради, шу билан бирга, ихтиёрий равишда мажбуриятларни бажариш маданиятини шакллантиради. Бу эса давлат ва бизнес ўртасидаги ишончли мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шунингдек, жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини яратилиши кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу орқали тадбиркорлар фаолиятини тўхтатмасдан, молиявий мажбуриятларини босқичма-босқич бажариш имконига эга бўлади.

Яна бир муҳим жиҳат — қарорлар устидан суд орқали шикоят қилинганда ундирилган маблағларни тезкор қайтариш механизмнинг жорий этилиши. Бу норма давлат органлари масъулиятини оширади ва асоссиз қарорлар қабул қилиниши эҳтимолини камайтиради.

Рақамлаштириш масаласига алоҳида эътибор қaratилган ҳам таҳсинга лойиқ. Ягона электрон реестр, электрон рақамли имзо орқали қарорларни тасдиқлаш ва онлайн шикоят бериш имконияти — буларнинг бarchаси инсон омилини камайтириш, коррупция хавфларини қисқартириш ҳамда жараёнларнинг очиклигини таъминлашга хизмат қилади.

“Ҳуқуқий таъсир чоралари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш масаласи аҳуниги кунда долзарб бўлганга эга. Чунки ушбу ҳужжат орқали ягона ёндашувни жорий этиш, таъсир чораларининг турлари, қўллаш асослари ва тартибини аниқ белгилаб бериш ҳуқуқий аниқлиқни таъминлашга хизмат қилади.

Албатта, мазкур чоратадбирлар тадбиркорлик фаолиятини янада эркинлаштириш, давлат бошқарувида адолатли ва шафқатли таъминлаш, энг муҳими эса иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда муҳим ўрин тутди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, уларни қонунга риоя этган ҳолда фаолият юритишга рағбатлантириш, жарима қўллаш амалиётида адолат ва шафқатли таъминлаш энг муҳим вазифалардандир.

**Фарҳод ЗАЙНИЕВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

# ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ, АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК ВА РАҚАМЛИ ЁНДАШУВ

## Коррупцияга оид жиноятлар учун жазо чоралари кучайтирилмоқда

Дастлаб депутатлар коррупцияга қарши курашиш чораларини кучайтиришга қaratилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқди.

Ушбу ҳужжат билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик ва жазо чораларини такомиллаштиришга қaratилган қўшимча ва ўзгартаришлар киритиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, ёшларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришни ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаш тақдир қилинди. Хусусан, Жиноят кодексининг саккизинчи бўлими коррупцияга оид жиноятлар атамаси билан тўлдирilib, у билан 19 турдаги жиноий қилмишлар коррупцияга оид жиноятлар ҳисобланиши белгиламоқда.

Коррупция ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий қаролиларини кучайтириш мақсадида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда коррупцияга оид жиноят тўғрисида асосли хабар берган шахсга нисбатан Коррупцияга қарши курашиш агентлигини олдиндан хабардор этмаган ҳолда, интизомий жазо чораларини қўллашга йўл қўйилмаслиги кўзда тутилмоқда.

Жиноят кодекси эса ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож этганлик, фирибгарлик учун ҳукм қилинган ва жиноят туфайли етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопламаган шахс жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод этилмаслигини назарда тутувчи норма билан тўлдирilib.

Худди шундай қоида такроран ёки хавфли рецидивист томонидан ёхуд жуда кўп миқдорда пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан ҳам таътиқ этилиши белгилаштирилади.

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож этиш ва фирибгарлик ҳаракатларини мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ёки хизмат мавқеидан фойдаланиб содир этиш жинояти учун ҳам жавобгарлик чоралари оғирлаштирилмоқда.

Моддама-модда муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

## Аҳолини суғурта ҳақида хабардор қилиш имкониятлари кенгаймоқда

Депутатлар тадбиркорлар ва аҳолининг суғурта бозорига бўлган ишонччини оширишга ҳамда суғурта хизматларини кенг омма-лаштиришга қaratилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан “Реклама тўғрисида”ги Қонунга суғурта саводхонлигини оширишга қaratилган ахборотни ижтимоий ахборот этиб белгилаш назарда тутилмоқда. Ваколатли давлат органлари ижтимоий ахборотнинг реклама берувчилари сифатида белгиламоқда.

Қонун лойиҳаси куйи палатанинг шу йил 31 март куни бўлиб ўтган мажлисида биринчи ўқишда қабул қилиниб, унинг иккинчи ўқишга тайёрланган таҳрири юзасидан айрим эътирозлар билдирилган эди.

Ўтган даврда қўмита томонидан юридик техника талабларидан келиб чиқиб, қонунга тақдир қилинган айрим ўзгартаришлар лойиҳа моддалари мазмунига таъсир қилишини инобатга олган ҳолда, ташаббускор қиритган таъдир мақсадга мувофиқ, деб топилди.

## Жавлон АБДУЛЛАЕВ, Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:

— Мазкур қонун лойиҳаси бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга бўлиб, энг аввало, одамларни суғурта шартлари, суғуртадан фойдаланиш усуллари ҳақида очик ва кенг-роқ ахборот олишини таъминлайди. Аҳоли орасида суғурта маданиятини оширади.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

## Судьялар ҳамжамияти органларининг ҳуқуқий асослари белгиланмоқда

Мажлисида суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қaratилган “Судьялар ҳамжамияти органлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда суд тизими босқичма-босқич ислоҳ этиб борилаётган бугунги кунда жамиятда адолатни таъминлаш, судда эса адолатли қарорларни қабул қилишга эришиш муҳимдир.

Ҳозирда судьялар ҳамжамияти органлари суд мустақиллигини қаролилаш, судьялар корпусини шакллантириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда судьяликка номзодларни танлашда муҳим ўрин эгалламоқда.

Тахлиллар улар фаолиятида айрим ноаниқликлар мавжудлигини кўрсатди. Шундан келиб чиқиб, судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида “Судьялар ҳамжамияти органлари тўғрисида” янги қонун қабул қилинмоқда. Яъни тақдир этилаётган қонун лойиҳаси билан судьялар ҳамжамияти органларининг турлари, уларнинг ҳуқуқий мақоми, вазифа ва функциялари аниқ белгилаб қўйилмоқда. Судьялар малака ҳайъати таркибига жамоатчилик асосида таърибли суд фахрийларини жалб қилиш имконияти яратилмоқда.

Судьяларнинг малака даражаларини бериш, интизомий ишларни кўриб чиқиш ҳамда ваколатларни тўхтатиш ва тугатиш тартиблари ҳам ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланмоқда.

## Даврон АРИПОВ, Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси:

— Судьялар ҳамжамияти органларининг ҳуқуқий асослари белгилаши орқали суд ҳокимияти мустақиллиги конституциявий принциплари риоя этилиши таъминлашга, суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлашга, судьяларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя этиш тизимини янада такомиллаштиришга эришилади. Бу, биринчидан, шахсининг одил судловга бўлган ҳуқуқлари янада мустаҳкамлашига ҳамда одил судлов сифати ва самардорлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

## Тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш механизмлари кучайтирилади

Мажлисида уюшган ва жамоат жойларидаги жиноятчиликка қарши курашиш механизмларини кучайтиришга қaratилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ҳужжат сўнгги йилларда мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохларнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Хусусан, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва маҳалларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасида тизимли ишлар олиб бориламоқда.

Шу билан бирга, тахлиллар жиноий мақсади йўлида уюшмалар ташкил этилиши, уларнинг молиявий таъминланиши жамоат ҳавфсизлигига жиддий таҳдид солаётганини кўрсатмоқда. Амалдаги қонунчиликда жиноий уюшмаларни молиялаштирилганлик учун алоҳида жавобгарлик мавжуд эмаслиги долзарб муаммо сифатида айтилди.

Шу муносабат билан Жиноят кодексига жиноий уюшма фаолиятини молиялаштирилганлик учун алоҳида жавобгарлик киритиш, бундай шахсларга нисбатан жазони ўташда муддатидан илгари шартли озод қилишни қўлламаслик назарда тутилмоқда.



## Жуманазар ОТАЖОНОВ, Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси:

— Амалдаги қонунчиликда жиноий уюшма ташкил этиш ёки унга раҳбарлик қилиш учун жавобгарлик мавжуд бўлса-да, мансаб ваколатларини суиистеъмол этган ҳолда жиноий уюшмаларга ҳомийлик кўрсатганлик учун жавобгарлик назарда тутилмаган эди. Ваҳоланки, бу уюшган жиноятчилик шаклланиши, барқарор фаолият юритиши ва кенгайиши учун асосий омиллардан биридир. Қонун лойиҳаси билан мансаб ваколатларини суиистеъмол қилган ҳолда жиноий уюшмаларга ҳомийлик учун ҳам жавобгарлик белгилаш тақдир қилинмоқда.

Мажлисида айтилганидек, амалда уюшган гуруҳлар томонидан содир қилинган безорилик учун кўп ҳолларда энгил жазо тайинланмоқда. Бу эса жазосизлик муҳити шаклланишига олиб келади. Шу сабабли, қонун лойиҳасида безорилик жинояти учун жазо чоралари ҳам оғирлаштирилади. Хусусан, қонун лойиҳаси билан безориликнинг турли шакллари, жумладан, бир гуруҳ шахслар томонидан, такроран, қурол ишлатиб ёки жамоат тартибини сақлаётган шахсларга қаршилик кўрсатган қилмишлар учун жазолар оғирлаштирилмоқда. Шунингдек, уюшган гуруҳ томонидан ёки баданга оғир шикаст етказган ҳолда содир этилган безорилик учун алоҳида жавобгарлик белгиланмоқда.

Лойиҳада жанговар спорт турлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ҳам алоҳида эътибор қaratилган. Жанговар спорт турлари бўйича мусобақаларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши, унда қатнашганлар эса маъмурий жавобгарликка тортилиши белгиланмоқда.

Қонун лойиҳаси мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш самардорлигини оширишга ҳамда жиноятларнинг, айниқса, ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қaratилган.

Мажлисида қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

## Қоидабузилиш тан олинса, иш судгача бормайди

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш миллий қонунчиликнинг энг муҳим йўналишларидан бири. Сўнгги йилларда бу борада бир қатор жуда муҳим қонунлар қабул қилинди. Уларда тадбиркорларга яратилган енгиллаштирилган аниқ акс этди.

Олий суд томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган — тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қaratилган қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Ушбу ҳужжат билан Иқтисодий процессуал ҳамда Солиқ кодексларига ўзгартариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Жумладан, солиқ тўловчи бўлган тадбиркорлик субъекти ўзининг солиққа оид ҳуқуқбузарлигини тан олинганда ва эътироз билдирмаганда, унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органлари томонидан амалга оширилиши белгиланмоқда.

Ҳуқуқбузарлик бартараф этилганда ҳисобварақ фаолиятига қўйилган чекловдан бажор қилиш ҳам солиқ органи томонидан бажор қилиш тақдир қилинмоқда. Мақсад — қоидабузилиш тан олинса, иш судгача бормайди. Бундай янги тартиблар қоидабузилишларни тез фурсатда бартараф қилиш ва тадбиркор фаолиятини қисқа вақтда қайта давом эттириш имконини беради.

Шу билан бирга, солиқ тўловчи солиқ органнинг қарори юзасидан эътироз билдирса, унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органнинг аризага асосан иқтисодий суд томонидан амалга оширилади.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Ҳуқуқбузарлик бартараф этилганда ҳисобварақ фаолиятига қўйилган чекловдан бажор қилиш ҳам солиқ органи томонидан бажор қилиш тақдир қилинмоқда. Мақсад — қоидабузилиш тан олинса, иш судгача бормайди. Бундай янги тартиблар қоидабузилишларни тез фурсатда бартараф қилиш ва тадбиркор фаолиятини қисқа вақтда қайта давом эттириш имконини беради.

Шу билан бирга, солиқ тўловчи солиқ органнинг қарори юзасидан эътироз билдирса, унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органнинг аризага асосан иқтисодий суд томонидан амалга оширилади.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

## Эндилликда ногиронлик пенсияси ҳам проактив шаклда тайинланади

Пенсияга оид хизматларни кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга қaratилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Унга кўра, фуқароларга ногиронлик белгиланганда, улардан мурожаатни талаб этмаган ҳолда (проактив шаклда) пенсия тайинлаш белгиланмоқда. Яъни бу жараён рақамли тизим орқали амалга оширилади. Бу эса одамларга жуда қулай бўлиб, уларнинг вақтини тежайди. Оворагарчиликнинг олдини олади, жараёнларни тезлаштиради.

Шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси тайинланганидан кейин камида бир йил иш стажига эга бўлган пенсионернинг пенсиясини ҳар икки йилда бир мартаба кайта ҳисоблаш ҳам фуқаронинг мурожаатини талаб этмасдан (проактив шаклда) амалга оширилиши назарда тутилмоқда. Бу енгиллик пенсионерга, айниқса, жисмоний имконияти чекланганларга масофадан туриб хизмат кўрсатиш қулайлигини яратди.

## Бахтиёр АРТИКОВ, Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари:

— Лойиҳа билан ҳар ойлик чеғирмалар миқдори пенсиянинг 50 фоиздан ошиши ва чеғирма қилинганда сўнг тўланадиган пенсия миқдори расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги қатъийлаштирилмоқда. Мазкур тақдир амалиётга жорий этилиши билан йилга 40 мингдан ортиқ пенсия олувчиларнинг пенсияларидан чеғирма қилинганда энг кам истеъмол харажатлари миқдоридан моддий таъминланиш ҳуқуқи мустаҳкамланади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.



# ПАРКЕНТГА ПОЕЗД КЕЛДИ

Паркент — сайёҳлик салоҳияти ривожланиб, аҳолисининг турмуш фаровонлиги янада ортиб бораётган сўлим маскан. Эндилликда бу манзилга темир йўли орқали ҳам бориш имконияти яратилгани эътиборга молик.

## Инфратузилма

Шу кунларда Байтқўрғон — Паркент темир йўли қуриб битказилди. Унда бир кунда 275 минг нафаргача йўловчини ташиш мумкин. Узунлиги 23,8 километрдан иборат бўлган темир йўлда 3 та кўприк, 1 та автомобиль йўлқазгичи, 76 та сув ўтказиш иншооти ва 16 та автомобиль йўли ҳамда темир

нинг қурилиши ва янги темир йўлнинг ётқизилиши бизни жуда мамнун этди. Одамларнинг ҳаётига, тафаккурига янгилик, янги нафас олиб кирди.

Умумий қиймати 224,1 млрд сўмлик Байтқўрғон — Паркент темир йўли линиясининг қурилиши ва замонавий поездларнинг харақатланиши тез орада Тошкент вилоятидаги яна бир сўлим масканда туризм имкониятларини ошириш ва йўловчилар учун қулайлик яратишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Обтабек ИСРОИЛОВ («Халқ сўзи»).



# ЖАВОҲИР СИНДОРОВ МУДДАТИДАН АВВАЛ ҒОЛИБЛИКНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ



Ушбу натижа нафақат шахсий ютук, балки улкан тарихий аҳамиятга эга воқеадир. Зеро, бу муваффақият орқали Жавоҳир Синдоров амалдаги жаҳон чемпиони Гукеш Доммараджуга қарши шах-

Кипрда юқори руҳ ва кескин курашлар остида поёнига етиб бораётган FIDE Даввогарлар турнири ўзининг энг ёрқин ва тарихий саҳифаларидан бирини ёзди. Турнирнинг 13-турида қора доналарда майдонга чиққан ёш ва истеъдодли шахматчимиз Жавоҳир Синдоров ўзининг энг асосий таъқибчиси, нидерландиялик гроссмейстер Аниш Гири билан дуранг қайд этиб, 13-тур натижаларига кўра, 9,5 очко жамғарди ва мусобақа якунлашишига бир тур қолганда, муддатидан аввал турнир ғолиблигини қўлга киритди.

## Хушхабар

мат тожи учун курашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бу эса, ўз навбатида, унинг нафақат ўзбек, балки жаҳон шахмат майдонидаги етакчи иқтидорлардан бири сифатида тан олинишини аңглатади.

Турли спорт сайтлари ва ижтимоий тармоқларда ўзбек шахматчисининг истеъдоди ва ўйин услублари ҳақида

ёзишмоқда. Ҳамюртимиз турнирда бир қанча рекордларни янгилаганини эътироф этишмоқда. Ҳали биронта турнирда ҳеч қайси шахматчи 6 та галабага эриша олмаганига, бу даражада мутлақ устунлик қилмаганига урғу беришмоқда.

Шу маънода, Жавоҳир шунчаки чемпион бўлгани йўқ, у ўз номини тарихга муҳрлади, бутун дунёдаги шахмат олами лол қолдирди, ҳамманинг тилига

тушди, жаҳон аҳлини у ҳақда гапиришга мажбур қилди.

Ёш гроссмейстеримизнинг мазкур муваффақияти унинг иродаси, стратегик фикрлаши ва чуқур таҳлилга асосланган ўйинининг ёрқин натижасидир. Айни пайтда у Даввогарлар турнири давомида қайд этган юқори кўрсаткичлар ва рекордлар орқали Ўзбекистон шахмат мактабининг салоҳиятини яна бир бор намоён қилди. Бу ютук ортида бутун бир авлод — биллими, интеллектуал салоҳияти юксак ёшларимиз тимсоли намоён бўлмоқда.

Гарчанд олдинда турнирнинг сўнгги, 14-тур ўйинлари турган бўлса-да, Жавоҳир Синдоровнинг муддатидан аввал галабага эришгани халқимиз ақл-заковатининг халқро майдондаги муносиб намоёни, миллий ғуруримизни юксалтирувчи бекиёс ютук сифатида тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилди.

«Халқ сўзи».

# ИНСОН САЛОМАТЛИГИ - АСОСИЙ МЕЗОН

Жорий йил мамлакатимизда "Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили" деб эълон қилиниб, бу орқали аҳоли фаровонлигини ошириш, айниқса, инсон саломатлигини муҳофаза этиш, профилактик тиббиётни кучайтириш ҳамда тиббий хизматлар сифат ва қамровини янада яхшилаш каби долзарб вазифалар устувор йўналиш сифатида белгилаб берилди. Бу эса соғлиқни сақлаш тизими олдига мутлақо янги талаблар қўйиб, амалий натижадорликни таъминлашни тақозо қилмоқда. Бундай вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида жойларда қатор амалий ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилаётир. Ана шунлардан бири — Тошкент давлат тиббиёт университети профессор-ўқитувчилари ва ёш олимлари томонидан илгари сурилган кенг қўламли тиббий-профилактик акциядир.



кенгайтиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, онкологик касалликларни эрта аниқлаш мақсадида ҳар йили 700 минг нафар аёлда бачадон бўйни саратони ва 1,7 млн. нафар аёлда кўкрак бези саратони бўйича скрининг тадбирларини ўтказиш, аниқланган ҳолатларда "тезкор йўлак" тамойили асосида даволаш механизмларини жорий этиш олдимизда турган долзарб вазифалардан бири. Бу профилактиканинг аҳамиятини янада оширади.

Айни пайтда 60 ёшдан катта аҳолини ҳар йили мунтазам тиббий кўрикдан ўтказиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббиёт соҳасини рақамлаштириш орқали барча тиббиёт муассасаларини "Ягона соғлиқни сақлаш платформа"га улаш ва рақамлаштириш даражасини 100 фоизга етказиш каби вазифалар ҳам юқорида қайд этилган фармонда ўз ифодасини топган. Айниқса, тиббий реабилитация хизматларини ривожлантириш, эрта аралашув тизимини жорий қилиш ва ногиронлик ҳолатларини барвақт аниқлаш, давлат-хусусий шериклик асосида замонавий наркологию хизматларини ташкил этиш каби йўналишлар ҳам эътибор марказида.

Шу тариқа, ушбу тиббий-профилактик акция нафақат аҳолига

## Маҳаллаларда бепул тиббий кўрик акцияси

Тиббий кўрик — хасталикларни эрта аниқлаш ва унинг олдини олишда ниҳоятда зарур бўлган тадбир. Шу боис тиббиёт ходимлари маҳаллаларда бўлиб, тиббий кўриқнинг аҳамияти, бу борада ўтказилаётган акцияларда фуқароларнинг иштирокини таъминлашда фаоллик кўрсатиб келишяпти. Бу йўналишдаги тадбирларда, бепул тиббий кўрик акциясини самарали ташкил этишда ҳам маҳалла институтининг ўрни бекиёс. Гап шундаки, биз маҳалла фаоллари кўмаги билан қарийб 10 минг нафар аҳолини қисқа муддатда ва тизимли равишда тиббий кўриқдан ўтказишга эришдик.

Демак, ижтимоий ислохотлар яна бир бор шундан далolat бердики, маҳалла ҳар бир таши-

соғлом руҳий муҳитни шакллантириш бўйича кенг қамровли тушунтириш ҳамда амалий тавсиялар берилди. Бу эса тиббий хизматларга комплекс ёндашуви таъминлаб, инсон саломатлигини яхлит тизим сифатида қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Умуман, мазкур тадбирнинг асосий мақсади касалликларни эрта босқичда аниқлаш, профилактик чора-тадбирларни кучайтириш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш ҳамда зарур ҳолларда жойинг ўзида малакали тиббий ёрдам кўрсатишдан иборат бўлиб, бу вазифалар соғлиқни сақлаш тизимидаги замонавий ёндашувлар билан уйғун ҳолда олиб борилди. Айниқса, профилактиканинг устуворлиги, яъни касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олиш акцияда марказий ўринни эгаллади.



лот ва муассаса учун ишончли таъин қилинган.

Маҳалла орқали ҳар қандай ижтимоий ташаббуслар аҳолига тез ва самарали етказилади, уларнинг иштироки таъминланади ва натижадорликка эришилади. Демак, маҳалла институтини янада мустаҳкамлаш, имкониятларидан оқилона фойдаланиш жамият тараққиёти, аҳоли саломатлиги ва инсон кадрини юксалтиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Тадбирнинг яна бир муҳим жиҳати — аҳолига психологик кўмак кўрсатилиши. Чунки замонавий жамият шароитида инсон саломатлиги нафақат жисмоний, балки руҳий барқарорлик билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Малакали психологлар томонидан стресс, руҳий зуриқчилик, кундалик ҳаётда учрайдиган муаммоларни енгиб ўтиш, шахсий ҳақда ижтимоий муносабатларда мувозанатни сақлаш ва

## Хайрли ташаббуслар қанот ёзмақда

Тадбир доирасида аҳоли ва бирламчи бўғин тиббиёт ходимлари учун соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган семинар-тренинглари уюштирилди. Уларда тўғри овқатланиш маданияти, жисмоний фаолликнинг инсон саломатлигига таъсири, кун тартибининг тўғри ташкил этиш, зарарли оdatлардан воз кечиш ва касалликларнинг олдини олишга доир илмий-амалий маълумотлар таъсирчан усулларда етказиб берилди. Бу машғулотлар аҳолининг ўз саломатлигига нисбатан онгли ва масъулиятли муносабатни шакллантириш, тиббий саводхонликни ошириш ҳамда соғлом ҳаёт тарзини кундалик ҳаётга татбиқ этиш кўникмаларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Айтиш жоизки, фуқароларимиз инсон саломатлиги билан боғлиқ бундай хайрли ташаббусларга бефарқ эмас. Улар, тиббий кўриқларда фаол иштирок этиб, ўз саломатликлари ҳақида қайғураётгани қувонarli. Бу шундан далolatки, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, саломатликни мустаҳкамлаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш йўлидаги ишлар бардавомдир. Зеро, соғлом жамиятда соғлом фарзандлар камол топади. Ватан равнақи ва тақдири эса ана шундай соғлом ва баркамол авлод қўлида.

Шухрат БОЙМУРОДОВ,  
Тошкент давлат тиббиёт университети ректори,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

# Бугунги Сўх: ЯШИЛЛИККА БУРКАНГАН МАСКАН



## Ичимлик суви тармоқлари, ички йўлларнинг таъмирланиши

аҳолининг йиллаб ушалмаган орзуларини рўёбга чикарди. Чегарадан ўтиш тартиблари енгилаштирилгани минг йиллик қўшничилик алоқаларини тиклади. Бугун Сўхнинг қайси гўшасига борманг, замонавий боғча, мактаб, поликлиника, янги уй-йўлларнинг қурилиши устидан чиқасиз.

Давлатимиз раҳбари қўллаб-қувватлаган ижтимоий масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратгани айни мuddао бўлди, — дейди Фарғона давлат университети профессори Ҳикматилло Дўстматов. — Туманда саннат махсуслоплари ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини вилоят кўрсаткичлари даражасига кўтариш мақ-

«Ош тоғи», «Қизилтоғ» дея аталувчи қоя-тошлар салтанати яшил гўзалликка бурканмоқда, — дейди сўхлик тадбиркор Жаҳонгир Собиров. — Биз ҳам ёш оилалар учун ажратилган ерда мевали боғ ташкил этидик. Яқин йилларда ушбу худудларда ёшларнинг интенсив боғлари ўз меваларини беради.

Айни пайтда «Мулгон» ва «Себзор» МФИлари «Янги Ўзбекистон» қиёфаси кириб бориши учун оламшумул ишлар бўсағасида турибди. 24/7 тартибда ишловчи хизмат кўрсатиш объекти, тунда ҳам чарогон кўчалар, электр ва ичимлик суви таъминоти яхшилланиши, йил якунида раъжий маънода «Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла» стеласи ўрнатилиши бу масканларнинг қиёфасини бутунлай ўзгартиради. «Малбуз» массивида 35 гектар ердаги саннат маркази ҳам замонавий инфрақурилишга эга бўлади. «Қайроқ» массивидаги 425 гектар ерда интенсив боғ ҳамда 30 гектар адирликка Дамаск атиргули плантацияси ташкил этилади. Бешта маҳаллани боғловчи Обиширсой соҳили бўйида хизмат кўрсатиш ва савдо объекти қад ростлайди. Мулгон ва Сарибозорча маҳаллаларида «Булбоғлар парк» барпо этилиб, худуднинг экологик ва туристик жозибадорлиги ошади.

Шу тариқа бу йил туманга 25 минг нафардан зиёд маҳаллий ва хориқлик сайёҳлари ялб этиш мақсад қилинган. Хизматлар қўламини ошириш учун «Сеяк» массивидаги дарё бўйида 15 гектар майдонда 30 та баллиқчилик кластерига асос солинмоқда. Бунинг учун 1 км. дарё қирғоғи мустаҳкамлашиб, 3 км. автомобиль йўли кириб битказилди. Форель балғи етиштириш ва қайта ишлашни назарда тутувчи лойиҳа қиймати 3 млн. долларни ташкил этади.

Сўхда етиштирилаётган картошка туманининг «ташир қоғоғи»га айланган. Эзгу ташаббуслар доирасида «Озод» ва «Сўх» хўжаликларига қарашли 100 гектар майдонда картошка етиштириш лойиҳалари тақлим этилаётгани бу борадаги ютуқлар салмоғини оширишга хизмат қилади.

Шу кунларда Нидерландиядан интенсив усулда етиштирилган янги картошка навларини олиб келдик, — дейди «Озод» хўжалиги раҳбари Мусабой Сотиволдиев. — Ушбу тармоқ яхши ривожланган чет давлатлардан келтирилган 300 минг дон картошка туғангани ҳам амалиётда синаяпти. Илмий-амалий тажрибалар орқали серхосил, экспортбоп ва маҳаллий иқлим шароитига мос истиқболли навлари танлаб олинди.

Таъқидлаш ўринлики, янги ерлар ўзлаштирилиб, сув чиқарилиши натижасида асрлар давомида қаровсиз ётган дашт ва адирликлар ўзлаштирилмоқда. «Қайроқ», «Жавпа» сингари массивларда барқ уриб турган мевали боғлар қишлоқ хўжалигига қиритилаётган инвестиция ва сиздиқидилдан қилинаётган меҳнат самарасидир.

— Жавпадаги халқ тилида

Ботир МАДИЁРОВ  
(«Халқ сўзи»).



## Тиббиёт

### Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган амалий ҳаракат

Таъқидлаш жоизки, ушбу ташаббус соғлиқни сақлаш тизимидаги етакчи муассасалар билан ҳамкорликда амалга оширилди, «Инсон кадрини» шiori остида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган амалий ҳаракат сифатида намоён бўлди. Кейинчалик мазкур ташаббус университет кўп тартибли клиникаси шифокорлари, Республика ихтисослаштирилган хирургик ангионеврология маркази мутахассислари ҳамда Олмазор тумани соғлиқни сақлаш муассасалари иштирокида янада кенг қамровли тадбирга айланди.

Шу йилнинг 23 — 30 март кунлари ушбу акция пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 14, 15 ва 63-оилавий поликлиникалар базасида юқори савияда ўтказилди. Тадбир давлатимиз раҳбарининг жорий йил 16 февралдаги фармони ҳамда «Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган бўлиб, унинг амалий аҳамияти жойларда яққол намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликларни эрта босқичда аниқлаш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш соғлиқни сақлаш тизимининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, мазкур акция доирасида аҳоли қатор муҳим тиббий йўналишлар бўйича бепул кўриқдан ўтказилди. Жумладан, юрак-қон томир касалликлари, бош миёна қон айланишининг сурункали бузилишлари, кўз, кўкрак ва қорин бўшлиғи аъзоларига оид хасталиклар, эндоқрин тизим ҳамда болалар касалликлари бўйича юқори малакали мутахассислар томонидан чуқур текширувлар амалга оширилди. Бу эса хасталикларни илк босқичларида аниқлаш ва улар асоратларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Акция доирасида аҳоли ва бирламчи бўғин шифокорлари учун соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касалликларнинг олдини олиш маданиятини оширишга

## Рақамлаштириш афзалликлари

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини янги босқичга олиб чиқишнинг муҳим шартларидан бири профилактик тиббиётни кучайтириш ҳисобланади. Шу маънода, 18 — 40 ёшли 11 млн. ва 40 ёшдан катта 7,3 млн. нафар аҳолини оммавий профилактик кўриқдан ўтказиш, юрак-қон томир касалликлари, қандли диабет ҳамда сил каби хасталикларни эрта босқичда аниқлаш фаолиятининг асосини ташкил этапти. Шунингдек, болалар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида 5,6 млн. нафар болани 13 турдаги вакцина билан қамраб олиш орқали эмлаш даражасини ошириш чоралари қўрилади.

Қолаверса, бирламчи тиббий хизматни тақомиллаштириш доирасида оилавий шифокорлар учун



бир йиллик интернатура тизимини жорий этиш, уларнинг малака талаблари ва хизмат кўрсатиш стандартларини аниқ белгилаш орқали тиббий хизматларнинг сифатини оширишга эътибор қаратилмоқда. Болалар ўртасида ирсий касалликларни барвақт аниқлаш, уларни зарур дори воситалари, тиббий жиҳозлар ҳамда махсус озуқа билан тўлиқ таъминлаш вазифалари ҳам ижтимоий аҳамияти жиҳатдан устувор йўна-

бевосита тиббий хизмат кўрсатиш, балки давлат дастурларида белгиланган вазифаларни амалиётда қўллаш, маҳалла даражасида тиббий хизматларнинг қамрови ва сифатини ошириш, профилактик тиббиётни ривожлантириш ҳамда инсон саломатлигини муҳофаза қилишнинг самарали механизмларини татбиқ этишга қаратилган комплекс ёндашувнинг ёрқин намунаси сифатида намоён бўлмоқда.

# Эндликда аскарлар учун ҳарбий хизмат давомида «Битта аскар — битта касб» тамойили асосида 3 — 6 ойлик ўқув курслари ташкил этилиб, уларга давлат намунасидаги махсус сертификат берилади.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 23 403 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетанинг ҳақиқат маълумотларини юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-259-74-51; **компьютер** 71-259-74-53;  
эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзсиз берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

ISSN 2010-6768

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — Н. Остонов.  
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машрабовов.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 03.50 Тоширилди — 04.00 1 2 3 4 5 6